O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ DEPUTATLARI
TOSHKENT SHAHAR
KENGASHIINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
РЕШЕНИЕ
ТАШКЕНТСКОГО
ГОРОДСКОГО КЕНГАША
НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

№ 254/30-6 2020 yil «30» декобрь

**2021 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюждет кодексининг 99-моддаси, “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 26 декабрдаги KL21130661-сонли хатини инобатга олиб, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ 2021 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2021 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва туманлар бюджетлари даромадларини шакллантириш:

– а) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ҳамда туманлар маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланади:

– якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи;

– айланмадан солиқ;

– юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи;

– юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

– сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

б) Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиғича ўтказилади:

– электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);

– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

– қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулк, маҳаллий ҳокимликлар активлари бўйича давлат унитар корхоналари соф фойдасидан ажратмалар ва дивидендлар;

– харид қилганлик учун ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш вақтида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғим.

Шу билан бирга, қонунга мувофиқ шаҳар маҳаллий бюджетига ажратма қилинган 5 фоиз миқдордаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда юридик шахслардан олинадиган фойда солиқлари тўлиқ шаҳар бюджетига тақсимланиши маълумот учун қабул қилинсин.

в) Қуйидаги солиқ турлари туманлар бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

– жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

– жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

– жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар;

– мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкогол махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2020 йил 1 июль ҳолатига кўра Тошкент шаҳар аҳолисини республика аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

3. 2021 йил учун Тошкент шаҳрини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4. 2021 йил учун Тошкент шаҳри шаҳар бюджети даромадлари прогнози 2-иловага мувофиқ мақуллансин.

5. 2021 йил учун Тошкент шаҳри шаҳар бюжетидан биринчи даражали

бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туманлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

Бунда, ажратма меьёрлари бўйича шаҳар маҳаллий бюджети билан туманлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда Тошкент шаҳар Ғазначилик бошқармаси ва унинг бўлинмалари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

7. 2021 йил учун Тошкент шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг даромадлар ва харажатлар прогнозлари 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

8. 2021 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар чекланган миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

9. 2021 йил учун Тошкент шаҳри ва туманлар бюджетларида йўл қўйиладиган айланма касса маблағларининг энг кам миқдори 7-иловага мувофиқ белгилансин.

10. 2021 йилда, Тошкент шаҳрининг умумтаълим муассасаларини, мактабгача таълим ташкилотларини, соғлиқни сақлаш муассасаларини ва ичимлик суви билан таъминлаш тизими объектларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга доир харажатлар Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилади.

11. 2021 йилдан бошлаб барча иссиқлик энергиясини етказиб берувчи корхоналар томонидан кўрсатиладиган иссиқлик таъминоти хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) бўйича дастлаб Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ҳудудий органлари хулосаларига кўра, тегишинча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорлари билан маъқулланганидан сўнг Тошкент шаҳар ҳокими томонидан тасдиқланади.

Иссиқлик таъминоти бўйича хизматлар учун тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) йил давомида қайта кўриб чиқиш якунларига кўра, иссиқлик билан таъминловчи корхоналар аҳолига пасайтирилган тарифлар қўлланилиши натижасида кўрган зарарларининг ўрнини қоплаш учун

қўшимча маблағларга бўлган талаб Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланади.

12. 2021 йил учун Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети Заҳира жамғармаси ҳажми **28,8 млрд. сўм** миқдорида белгилансин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда туман ҳокимликлари Заҳира жамғармалари маблағларини шаҳар ҳамда туманлар бюджетларида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

13. Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ва туманлар бюджетларида шаклланган қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тегишли равишда шаҳар ҳамда туманлар Кенгашлари томонидан шаҳар ва туманлар ҳокимликлари таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш мақсадида қабул қилинади.

14. Чораклар якуни бўйича ушбу Қарорнинг 5-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилади ҳамда бу таклиф Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

15. Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари:

Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ташаббусига кўра амалга ошириладиган қўшимча тадбирларни молиялаштириш фақат Тошкент шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилсин;

Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимликлари тегишли бюджетларини биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатлари режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилсин.

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар ижросини,

ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

Тошкент шаҳри ва туманлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар тегишинча Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимликлари томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштирсин;

туманлар бюджетларининг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирсин ва веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

16. Тошкент шаҳар ҳокимлиги тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини Тошкент шаҳар Кенгашига тақдим этилишини таъминласин.

17. Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун тегишли Кенгашларга маълумот киритсин.

18. Тошкент шаҳар ҳокимлиги қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

19. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

20. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси раиси М. Тахиров ва Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Шакиров зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари**
**Тошкент шаҳар Кенгаши раиси** **Ж. Артикходжаев**

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгашининг
2020 йил «30» декабр даги
254/30-6 -сон қарорига
1-илова

**2021 йил учун Тошкент шаҳрини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози**

| № | Кўрсаткичлар | 2021 йил учун прогноз |
|---|---|---|
| 1. | Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм | 88 778.0 |
| 2. | Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда | 5.1 |
| 3. | Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда | 5.8 |
| 4. | Хизмат кўрсатиш соҳаси ўсиш суръати, фоизда | 7.5 |
| 5. | Пудрат – қурилиш ишлари, фоизда | 8.2 |

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгашининг
2020 йил « 30 » декабр даги
254/30-6 -сон қарорига
2-илова

# 2021 йил учун Тошкент шаҳри шаҳар бюджети даромадлари прогнози

*минг сўмда*

| Т/Р | Кўрсаткичлар | Сумма |
|---|---|---|
| **ЖАМИ** | | **2 924 431 471.0** |
| **1.** | Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи | 135 271 350.0 |
| **2.** | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 271 980 450.0 |
| **3.** | Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ | 93 034 437.0 |
| **4.** | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 313 565 912.0 |
| **5.** | Юридик шахслар ер солиғи | 419 733 154.0 |
| **6.** | Айланмадан олинадиган солиқ | 662 286 746.0 |
| **7.** | Давлат божи | 415 485 200.0 |
| **8.** | Жарималар | 151 507 000.0 |
| **9.** | Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад | 51 263 222.0 |
| **10.** | Йиғимлар | 410 304 000.0 |

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгашининг
2020 йил «30» декабр даги
254/30-6-сонли қарорига
3-илова

# 2021 йил учун Тошкент шаҳри шаҳар бюжетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари

*минг сўмда*

| Т-р | Кўрсатгичлар | Сумма |
|---|---|---|
| | **Жами** | **2 924 431 471** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 2 040 479 671 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 431 529 771 |
| | Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларга аҳолига кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизмати учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш харажатлари | 434 500 029 |
| | Туманлар маҳаллий бюджетларига трансфертлар | 17 922 000 |
| **1.** | **Тошкент шаҳар ҳокимлиги** | 699 410 332 |
| | *жорий харажатлар* | 597 582 532 |
| | *шу жумладан:* | |
| | *Тошкент шаҳар ҳокимлигини сақлаш харажатлари* | 7 684 257 |
| | *Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарини сақлаш харажатлари* | 3 763 012 |
| | *Тошкент шаҳридаги Бош вазир қабулхонаси* | 1 900 056 |
| | *Тошкент шаҳар ҳокимлигининг заҳира жамғармаси* | 28 770 464 |
| | *Халк депутатлари Кенгаши котибияти* | 286 717 |
| | *"Хаятт Риджженси" кредитларини сўндириш* | 71 288 000 |
| | *Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кредитини қайтариш* | 7 348 000 |
| | *Чет эл кредитларини қоплаш* | 207 345 238 |
| | *Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Фукораларнинг ўзини-ўзи бошкариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўкув курси* | 364 994 |
| | *Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ижтимоий мослашиш маркази* | 55 914 |
| | *Шаҳар йўловчилар транспортидан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш зарарини қоплаш учун* | 259 065 581 |
| | *Тошкент метрополитенида пенсионерларни бепул ташишда вужудга келган зарарни қоплпш харажатлари* | 9 710 299 |
| | *объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар* | 101 827 800 |
| **2.** | **Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси** | 35 530 400 |
| | *жорий харажатлар* | 17 608 400 |
| | *шу жумладан:* | |
| | *Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасини сақлаш харажатлари* | 4 426 184 |

| | | |
|---|---|---|
| | *Давлат мукофотларини тўлаш харажатлари* | 5 182 216 |
| | *Давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш харажатлари* | 8 000 000 |
| | *Туманлар маҳаллий бюджетларига трансфертлар* | 17 922 000 |
| **3.** | **Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси** | 4 413 264 |
| | *жорий харажатлар* | 4 413 264 |
| **4.** | **Бандлик ва меҳнат муносабатлари бош бошқармаси** | 1 324 299 |
| | *жорий харажатлар* | 1 324 299 |
| **5.** | **Ободонлаштириш бош бошқармаси** | 400 418 750 |
| | *жорий харажатлар* | 400 418 750 |
| **6.** | **Халқ таълими бош бошқармаси** | 258 121 452 |
| | *жорий харажатлар* | 151 326 252 |
| | *объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар* | 106 795 200 |
| **7.** | **Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси** | 790 921 201 |
| | жорий харажатлар | 684 421 201 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 106 500 000 |
| **8.** | **Маданият бош бошқармаси** | 57 140 079 |
| | *жорий харажатлар* | 57 140 079 |
| **9.** | **Мактабгача таълим бош бошқармаси** | 103 954 433 |
| | *жорий харажатлар* | 5 179 762 |
| | *объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар* | 98 774 671 |
| **10.** | **Қурилиш бош бошқармаси** | 1 740 725 |
| | *жорий харажатлар* | 1 740 725 |
| **11.** | **Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси** | 5 392 800 |
| | *жорий харажатлар* | 5 392 800 |
| **12.** | **Тошкент шаҳар Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси** | 2 156 375 |
| | *жорий харажатлар* | 2 156 375 |
| **13.** | **Давлат архиви бошқармаси** | 1 607 262 |
| | *жорий харажатлар* | 1 607 262 |
| **14.** | **Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси** | 235 833 |
| | *жорий харажатлар* | 235 833 |
| **15.** | **Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармаси** | 997 452 |
| | *жорий харажатлар* | 997 452 |
| **16.** | **Ғазначилик бошқармаси** | 5 114 161 |
| | *жорий харажатлар* | 5 114 161 |
| **17.** | **Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси** | 455 068 983 |
| | *жорий харажатлар* | 2 936 854 |
| | *объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар* | 17 632 100 |

| | | |
|---|---|---|
| | *Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларга аҳолига кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизмати учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш харажатлари* | 434 500 029 |
| **18.** | **Транспорт бошқармаси** | 3 481 010 |
| | *жорий харажатлар* | 3 481 010 |
| **19.** | **Туризмни ривожлантириш бошқармаси** | 1 191 582 |
| | *жорий харажатлар* | 1 191 582 |
| **20.** | **Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳудудий бошқармаси** | 1 878 778 |
| | *жорий харажатлар* | 1 878 778 |
| **21.** | **Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳудудий бошқармаси** | 307 270 |
| | *жорий харажатлар* | 307 270 |
| **22.** | **Монополияга карши курашиш бошкармаси** | 1 601 931 |
| | *жорий харажатлар* | 1 601 931 |
| **23.** | **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси сақлаш харажатлари** | 1 573 172 |
| | *жорий харажатлар* | 1 573 172 |
| **24.** | **Тошкент шаҳар Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси** | 9 067 165 |
| | *жорий харажатлар* | 9 067 165 |
| **25.** | **Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси** | 24 846 559 |
| | *жорий харажатлар* | 24 846 559 |
| **26.** | **Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш бошқармаси** | 3 793 955 |
| | *жорий харажатлар* | 3 793 955 |
| **27.** | **Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси** | 678 730 |
| | *жорий харажатлар* | 678 730 |
| **28.** | **Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси** | 637 985 |
| | *жорий харажатлар* | 637 985 |
| **29.** | **Тошкент шаҳар сайлов комиссисияси** | 50 032 |
| | *жорий харажатлар* | 50 032 |
| **30.** | **Ўсимликлар карантини инспекцияси** | 904 514 |
| | *жорий харажатлар* | 904 514 |
| **31.** | **"Ўзагрокимёҳимоя" ҳудудий акциядорлик жамияти** | 112 455 |
| | *жорий харажатлар* | 112 455 |
| **32.** | **Махсус эксплуатация-монтаж бошқармаларини сақлаш харажатлари** | 11 432 168 |
| | *жорий харажатлар* | 11 432 168 |
| **33.** | **Ёшлар агентлиги ҳудудий бўлинмаси** | 2 738 661 |
| | *жорий харажатлар* | 2 738 661 |
| **34.** | **Нодавлат нотижорат ташкилотлар бўлими** | 1 152 482 |
| | *жорий харажатлар* | 1 152 482 |
| **35.** | **Бошқа харажатлар** | 35 435 221 |
| | *жорий харажатлар* | 35 435 221 |

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгашининг
2020 йил «30» декабр даги
254/30-6 -сонли қарорига
4-илова

# Туманлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари

*Фоиз ҳисобида*

| Т/р | Туманлар номи | Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | Айланмадан солиқ | Якуний истеъмолиларга бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализацияси қилишдан солиқ | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | Юридик шахслар ер солиғи | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | Айрим товарларнинг чакана савдосига бериладиган ҳуқуқ учун ундириладиган йиғимлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **1.** | Шайхонтоҳур тумани | 0 | 0 | 15 | 100 | 10 | 10 | 100 | 0 |
| **2.** | Учтепа тумани | 0 | 0 | 33 | 100 | 10 | 10 | 100 | 0 |
| **3.** | Чилонзор тумани | 0 | 0 | 30 | 100 | 10 | 10 | 100 | 0 |
| **4.** | Миробод тумани | 0 | 0 | 5 | 50 | 5 | 5 | 100 | 0 |
| **5.** | Мирзо Улуғбек тумани | 0 | 0 | 31 | 100 | 10 | 10 | 100 | 0 |
| **6.** | Яккасарой тумани | 0 | 0 | 11 | 80 | 10 | 10 | 100 | 0 |
| **7.** | Олмазор тумани | 0 | 0 | 34 | 100 | 20 | 20 | 100 | 0 |
| **8.** | Яшнобод тумани | 0 | 0 | 10 | 70 | 10 | 10 | 100 | 0 |
| **9.** | Сергели тумани | 0 | 0 | 15 | 70 | 10 | 10 | 100 | 0 |
| **10.** | Бектемир тумани | 0 | 0 | 10 | 10 | 5 | 5 | 100 | 0 |
| **11.** | Юнусобод тумани | 0 | 0 | 18 | 100 | 10 | 10 | 100 | 0 |
| **12.** | Янгиҳаёт тумани | 0 | 0 | 10 | 100 | 10 | 10 | 100 | 0 |

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгашининг
2020 йил «30» декабр даги
254/30-6 -сонли қарорига
5-илова

# 2021 йил учун Тошкент шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг даромадлар ва харажатлар прогнозлари

*минг сўм*

| Т/р | Туманлар ва шаҳарлар номи | Даромадлар | Харажатлар |
|---|---|---|---|
| | **ЖАМИ** | **4 068 619 422.0** | **4 068 619 422.0** |
| **1.** | Тошкент шаҳри | 2 924 431 471.0 | 2 906 509 471.0 * |
| **2.** | Шайхонтохур тумани | 113 478 813.0 | 113 478 813.0 |
| **3.** | Учтепа тумани | 112 433 967.0 | 112 433 967.0 |
| **4.** | Чилонзор тумани | 115 028 625.0 | 115 028 625.0 |
| **5.** | Миробод тумани | 78 071 851.0 | 78 071 851.0 |
| **6.** | Мирзо Улуғбек тумани | 120 444 100.0 | 120 444 100.0 |
| **7.** | Яккасарой тумани | 71 682 198.0 | 71 682 198.0 |
| **8.** | Олмазор тумани | 133 887 069.0 | 133 887 069.0 |
| **9.** | Яшнобод тумани | 117 351 315.0 | 117 351 315.0 |
| **10.** | Сергели тумани | 99 362 927.0 | 99 362 927.0 |
| **11.** | Бектемир тумани | 36 421 372.0 | 36 421 372.0 |
| **12.** | Юнусобод тумани | 139 740 575.0 | 139 740 575.0 |
| **13.** | Янгиҳаёт тумани | 6 285 139.0 | 24 207 139.0 |

*туманлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларсиз

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгашининг
2020 йил «30» декабр даги
254/30-6 -сонли қарорига
6-илова

**2021 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар чекланган миқдорлари**

*минг сўмда*

| Т/р | Туманлар номи | Сумма |
|---|---|---|
| | **ЖАМИ** | **17 922 000** |
| **1.** | Янгиҳаёт тумани | 17 922 000 |

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгашининг
2020 йил «30» декабр даги
254/30-6-сонли қарорига
7-илова

**2021 йил учун Тошкент шаҳри ва туманлар бюджетларида йўл қўйиладиган айланма касса маблағларининг энг кам миқдори**

*минг сўмда*

| Т/р | Туманлар ва шаҳарлар номи | Миқдор |
|---|---|---|
| | **ЖАМИ** | **34 324 242** |
| | *шундан* | |
| 1 | Тошкент шаҳри | **18 048 275** |
| 2 | Шайхонтоҳур тумани | **1 503 407** |
| 3 | Учтепа тумани | **1 507 454** |
| 4 | Чилонзор тумани | **1 620 360** |
| 5 | Миробод тумани | **1 207 872** |
| 6 | Мирзо Улуғбек тумани | **1 755 850** |
| 7 | Яккасарой тумани | **1 075 750** |
| 8 | Олмазор тумани | **1 948 410** |
| 9 | Яшнобод тумани | **1 632 810** |
| 10 | Сергели тумани | **1 291 718** |
| 11 | Бектемир тумани | **473 477** |
| 12 | Юнусобод тумани | **1 944 165** |
| 13 | Янгиҳаёт тумани | **314 694** |